№ 40-05/25
от 10.01.22 г

# ШАРТНОМА № 3167

**Фарғона шаҳар** «5» 01 2021 йил

Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлар малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Фарғона филиали директори **Тўхтасинов Иномжон Ахмедович** бир тамондан (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб аталади). Ва иккинчи томондан „Farғona вил Аис Бошқарувраисо Саминсонов А" (кейинги ўринларда "Буюртмачи" (Тингловчи) деб аталади) ўртасида ушбу шартнома қуйидаги мақсадда тузилди.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1. Фуқаро (Тингловчи) хамшира, доя, фельдшерлар.

«5» 01 2021 йилдан «31» 12 2022 йилгача

Йўналиш бўйича Устав асосида фаолият юритувчи филиалда ташкиллаштириладиган ихтисослик ёки малака ошириш гуруҳида таҳсил олишини ушбу шартнома кафолатлайди.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1 Ижрочи**

а) Тингловчининг тегишли йўналиши бўйича мукаммал таҳсил олиши учун барча керакли шарт-шароитларни яратиш;

б) Тасдиқланган ўқув режа ва дастурлар асосида Давлат талабларига мос равишда узлуксиз ва самарали ўқув жараёни ташкил этилишини таъминлаш;

в) Назарий ва амалий дарсларни олиб бориш учун юқори малакали, тажрибали ўқитувчилар, мутахассис шифокорларни жалб этиш:

ўқитувчилар билан таъминлаш ва ўқув базаларида самарали дарс олиб борилишини ташкил этиш;

г) Ўқув жараёни тугаганидан сўнг якуний назорат ўтказиш ва ўрнатилган тартибда тингловчига белгиланган тартибдаги серификат бериш мажбуриятларини олади.

**2.2. Ижрочи**

а) тингловчи узрли сабабсиз 3 кун ва ундан ортиқ дарс қолдирганда тингловчилар сафидан четлаштириш ва бу ҳақда иш жойига ёзма равишда маълум қилиш;

б) якуний назорат натижаларига кўра қониқарсиз натижа кўрсатган тингловчиларга сертификат бермаслик, унинг ўрнига таҳсил олганлиги тўғрисида ёзма маълумотнома бериш;

в) юқоридаги ҳолатлар бўйича сертификат берилмаган ҳолатда Буюртмачига (тингловчи) таълим учун тўланган маблағни қайтармаслик ҳуқуқига эга.

***2.3. Буюртмачи (Тингловчи)***;

а) ўқиш бошлангунга қадар тингловчининг ҳужжатларини тўлиқ тақдим этиш;

б) Филиалида ва ўқув базаларида ташкил этиладиган ўқув жараёнида тўлиқ қатнашиш;

в)Шартномада кўрсатилган маблағни белгиланган муддатда тўлаш;

г) Филиалида қабул қилинган ички тартиб қоидаларига қатъий риоя этиш, ўқув хоналаридаги жихозларга онгли муносабатда бўлиш мажбуриятини олади.

***2.4 Буюртмачи;***

а) таълим жараёнинг сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича филиал раҳбариятига ўз таклиф ва эътирозларини билдириш;

б) таълим жараёнида Ахборот кутубхонадан, ахборот коммуникация технологияларидан бепул фойдаланиш;

в) дарсга узрли сабаб билан кела олмаса, бу ҳақида филиал раҳбариятини ўз вақтида хабардор қилиш,қолдирилган дарсни қайта топшириш ҳуқуқига эга.

## III. ШАРТНОМАДА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

**3.1.** Таълим учун тўлов маблағи бир тингловчи учун 10ой 6971092,4; 1,5ой-10018163,85 2ой 13392711,47; ҳар бир тингловчи учун, сўмни ташкил этади.

**3.2.** Ижрочининг ҳисоб рақамига белгиланган маблағини **100 %** ўқиш бошлангунига қадар тўланиши шарт.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

**4.1**. Мазкур шартнома шартлари бузилганда, айбдор томон қонунчиликда кўзда тутилган тартибда келтирилган зарарни қоплайди.

**4.2.** Шартнома бўйича низоли ҳолатлар юзага келганда ўзаро келишув орқали ҳал этилади, бунинг иложи бўлмаган тақдирда Ҳужалик суди орқали ҳал этилади.

## IV. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ

**5.1.** Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг келишувига асосан киритилади.

**5.2.** Республикада энг кам ойлик маош миқдори ўзгарганда тўлов миқдорига тегишли тартибда қўшимча келишув билан ҳақ тўлаш шарти киритилади.

## V. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

**6.1.** Шартнома тузилгандан сўнг юзага келиши мумкин бўлган сув тошқини,ёнғин,зилзила ва табиий офатнинг бошқа кўринишлари, уруш, эпидемия ҳамда шу каби олдини олиш имконияти бўлмаган ҳодисалар ёки амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг бекор бўлиши ёҳуд уларга киритилган ўзгаришлар туфайли ушбу шартнома бўйича ҳарқандай мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаган ҳолларда шартнома тузган томонларнинг хеч бири жавобгар бўлмайдилар.

## VII. ШАРТНОМА МУДДАТИ;

**7.1.** Мазкур шартномани иккала томон имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва шартнома муддати ўқиш тугагунга қадар амал қилади.

**7.2.** Шартнома икки нусхада тузилиб, томонларга бир нусхадан берилади ва иккала нусха ҳам бир хил ҳуқуқий кучга эга ҳисобланади.

## ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**"БУЮРТМАЧИ"**

**МАНЗИЛ:** Фарғона шаҳар Санoат кўча 222. „Fargonaayot" АЖС кирғили СББ. х/р: 20210000200222898001 МФО: 00524; ОКЭД-20152 ИНН: 200202240. 242-59-95

ТЕЛЕФОН: (998 )

Саминсонов А.П.

**ИМЗО**

bosh vrash.v.v.b.

**"БАЖАРУВЧИ"**

**Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлар малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Фарғона филиали**

Манзил; **Фарғона шаҳар М.Голиб 25 уй**

ШХР; **4001 2186 0304 0170 9620 0054 001**

СТИР: **201966722** ОКЭД **92200**

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги

ғазна ХР **2340 2000 3001 0000 1010**

МФО **00014** СТИР **201122919**

**Директор:** **И.А.Тўхтасинов**

**Юрист:**